

Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси  
Ижро этувчи директори  
З.Ш.Эрматовга

**Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси Хоразм вилоят бўлинмаси  
томонидан хафталик амалга оширган ишлари бўйича  
МАЪЛУМОТ**

Хоразм вилоят худудий бўлинмасига 9 нафар ходим ишга қабул қилинган. Барча ходимлар режа асосида фаолият юритиб бориши мөқдада.

Жамғарма раҳбарияти томонидан хафта давомида ўтказилган барча ZOOM йиғилишларида бўлинма ходимлари иштирок этишди ва ўзларига тегишли маълумот олишиб, топшириқларни бажаришди.

Бўлинмада иш юритиш фаолияти, жумладан ЭДО орқали ҳужжатларни қабул қилиб рўйхатга олиш, ижрога қаратиш, назоратини олиб бориш ишлари амалга оширилмоқда. Хоразм вилоят даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан ёзишмаларга Жамғарма раҳбарияти номидан жавоб хатлар тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилиб З та хатга жавоб берилди. 2 нафар фуқаронинг оғзаки мурожатига жавоб берилди.

Хоразм вилоятида давлат тиббий сұғуртаси механизmlарини жорий этишга тайёргарлик бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2025 йилнинг 7-мартдан 14-март кунига қадар қуидаги услубий ва амалий тадбирлар амалга оширилди ҳамда бўлинма ходимларининг лавозим йўриқномалари ёзилди.

**1. Тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими ходимлари  
томонидан давлат тиббий сұғуртаси механизmlарини жорий этиши  
бўйича тасдиқланган режа асосида туманларда амалга  
оширилган ишлар.**

1. Жамғарма раҳбариятининг топшириғига кўра Хоразм вилоятидаги ПҚ-5199 қарор асосида юқори технологияли операциялар ўтказувчи тиббиёт ташкилотларининг масъул ходимларидан хар кун ўтказилган операциялар бўйича кунлик хисобот маълумотларни олиб Жамғармага умумлаштириб берилди.

2. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларига бириктирилган маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий сұғуртаси механизmlарини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарорининг маъзмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш бўйича семинарлар Хонқа туманидаги 8 та ОП ва ОШПларда МФЙ ходимлари иштирокида ўтказилди.

КТМП, ОП ва ОШП шифокорларига ахолини ДМЕД тизимиға бириктириш тушунтирилди ва рўйхатхоналарда амалиётда ўтказиб кўрсатиб

берилди. Патранаж хамшираларига Давлат тиббий сұғуртаси бүйича маълумотларини ахолига тарғиб қилиш ва ахолига тарқатиш учун Жамғарма томонидан берилган буклетлар берилди.

Хонқа ТТБдаги стационар бўлимларда Давлат тиббий сұғуртаси механизмларини жорий қилиш учун тиббий маълумотларни электрон дастурга киритиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мониторинги ўтказилди ва мониторинг натижалари бўйича Хонқа туманида семинар-йиғилиш ўтказилди.

3. Вилоят 28 та стационар муассасаларни феврал ойи хисботлари умумлаштирилиб Жамғармага берилди.

4. Жамғарма раҳбариятининг топшириғига асосан 4 та вилоят даражасидаги стационар муассасаларни феврал ойи хисботлари бўйича мониторинг ўтказилиди ва Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси маълумоти тайёрланди.

5. Хоразм вилоят Соғликни сақлаш бошқармаси билан келишилган ва Жамғарма раҳбари томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида мутахассислар билан “Давлат тиббий сұғуртаси механизмларини жорий қилиш” бўйича Урганч ва Кўшкўпир туманларининг маҳаллий ҳокимияти биносида йиғилиш ўтказилиб МФЙ раислари, маҳалла вакиллари, аҳоли ва маҳалла фаоллари КТМП, ОП ва ОШП раҳбарлари ҳамда патранаж хамшираларига умумлаштирилган холда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий сұғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарорининг маъзмун-моҳиятини презентация қилиб тушунирилди ҳамда Жамғарма томонидан тайёрланган буклетлар тарқатилди. Йиғилишдагиларнинг барча саволларига мутахассислари томонидан жавоб берилди.

Тадбирларни ва Давлат тиббий сұғуртасини тарғибот-ташвиқот ишларини ижтимоий тармоқлар ва телевидения орқали аҳоли ва тиббиёт ходимларга етказиб борилмоқда.

6. Вилоят даволаш-профилактика муассасалари масъул ходимларининг тиббий сұғурта механизмларини жорий этишга тайёргарлик жараёнида юзага келаётган саволларига бўлинма мутахассислари томонидан мунтазам равища он-лайн ва офф-лайн тарзда услубий ёрдам бериб келинмоқда.

7. Хоразм вилоят ҳокимлиги Соғликни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар/туман тиббиёт бирлашмалари ва вилоят тиббиёт муассасалари билан ZOOM платформаси орқали давлат тиббий сұғуртаси механизмларини жорий этиш масалалари бўйича ўтказилган 2 та йиғилишда, 3 та музокорада қатнашиб хисботларда юзага келган масала ва саволларга тегишли жавоблар берилди, молиявий тушунмовчиликлар бартараф этилди.

8. Жамғарма тамонидан юборилган инвентарлар кабул қилиб олдинди. ВССБ бошлиғи томонидан таклиф этилган бино Жамғарманинг ходими С.Мирзаев билан биргаликда бориб кўрилди.

## **2. Молия-иқтисод бўлими томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

- Давлат тиббий суғуртаси томонидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари томонидан 2025 йил февраль ойида шошилинч равища мурожаат қилинган bemорларга амбулатор шароитда кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб Жамғармага тақдим қилинди.

- Давлат тиббий суғуртаси томонидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасаларининг 2025 йил февраль ои коммунал хизматлар бўйича қилинган харажатлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб Жамғармага тақдим қилинди.

- Давлат тиббий суғуртаси томонидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасаларининг 2025 йил йиллик Бизнес режаларини тузиб келишиш учун Жамғармага тақдим қилинди.

- Хоразм вилоятида фаолият юритаётган Хоспис шифохонасининг 2023-2024 йилларда сеть контингент ва бюджетдан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар Жамғармага тақдим қилинди.

- Бўлимга келган 3 та хатга жавоб хати ёзилди.

## **3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Хоразм вилояти худудий бўлинмаси томонидан жорий йилнинг 11 - 14 март кунлари оралиғида Реимбурсация дастури асосида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

### **МАЪЛУМОТ**

-Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 18-и сонли бўйруғи (11.03.2025) ва 18-сон (23.07.2024) баён қарорларида “Реимбурсация дастурини жорий этишда амалга оширилган ишлар бўйича” ҳар ҳафта маълумот киритилиши топширилган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Хоразм вилояти худудида **11-14** март кунлари қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Хоразм вилоятида жами 13 та ТТБ ва ШТБларда 125 та Бирламчи тиббий санитария ёрдам марказлари (**13та КТМП, 40та ОШП ва 72 та ОПлар**) мавжуд. Бугунги кунда ушбу 125та БТСЁМларнинг 123таси 2 027 703 минг та аҳоли бириктирилган, 2тасига аҳоли бириктирилмаган.

ПҚ-311-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятидаги 123та БТСЁМларга 1 март ҳолатига 121 та дорихоналар бириктириб жамғарма ўртасида шартномлар имзоланди (**шундан; 62та “Хоразм Дори Дармон” МЧЖ шаҳобчалари ва 59 та хусусий дорихонлар**). БТСЁМлар худудида умуман дорихонлар йўқлиги ёки дорихонлар томонидан

шартнома имзолашни рад этган худуларга шартнома имзоланган энг яқин худуддаги дорихонлар бириктирилди.

“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ” Хоразм вилояти бўлинмаси масъул ходимлари билан 5 та оилавий поликлиника ҳамда хусусий дорихоналарга Реимбурсация дастури ишлаш тартиби, “ДМЕД” тизими бўйича электрон рецепт шакллантирилиши тушунтилди.

Реимбурсация бўлими бош мутахассиси бошчилигига Хоразм вилояти Хонқа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 50-сон оилавий поликлиникаси ва Дўстлик оилавий шифорлик пункти ва “Хоразм дори-дармон” МЧЖга қарашли 16-сонли шахобчаси, "INTERMED PHARM TECH" МЧЖ ходимлари ўртасидада “ДМЕД” ахборот тизимида Реимбурсация дастурини жорий этишда Д-назоратида турган bemorга ойлавий шифокори томонидан электрон рецепт расмийлаштирилиши ва уни маъсул ходим тасдиқлашидан то дорихонагача бўлган боскичлари ҳамда дорихона томонидан электрон рецепт орқали бериладиган дори воситаларни бериш тартиби, хар ойлик хисботларни шакллантириш тартиби бўйича тушуниришлар олиб борилди. Шу билан бирга Хоразм вилояти бўйлаб дорихона бириктирилмаган худудлар бўйича БТСЁМ ва дорихоналарга тушуниришлар олиб борилди.

#### ***4. Ахборот технологиялари хизмати бўлими томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот***

- “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий қилиш” бўйича Урганч, Хонқа ва Қўшкўпир туманларининг стационар бўлимлари КТМП, ОП ва ОШП раҳбарлари, врачлар ҳамда патранаж ҳамшираларига умумлаштирилган холда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” гиПК-311 сонли қарорининг маъзмумохиятини презентация қилиб тушунирилди ҳамда DMED тизимида врачлар ва амалиётчи ҳамшираларга қабулларни якунлаш ўргатилди ва mis2.ssv.uz тизимида 066 тиббий шаклни киритиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди .

- Худудий бўлим бошлиғи томонидан берилган топширикларга асосан янги келган ходимнинг компьютер техникларига техник ёрдам кўрсатилди. Компьютерларга қўшимча локал тармок тортилди ва интернетга уланди ва керакли дастурлар ўрнатиб берилди. Бўлинма биносининг вақтинча хўжалик ишлари билан шуғулланилди.

- Барча ДПМларда ССВнинг 23.01.2024 йилдаги 17-сонли буйруғига асосан стационар шароитда даволанган bemorларни mis2.ssv.uz дастурига киритилиши ўрганилди. Ўрганиш давомида мавжуд камчиликлар бўйича тиббиёт ходимлари билан сухбат йигилиш ўтказилиб, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сон қарори ижросининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушинтириш ишлари олиб борилди ва камчиликлар бартараф қилинди.

- Медекпрес дастури бўйича Қашқадарё вилояти Гузор туманидаги ОП ОШП ва КТМП лардаги врачларга тизимдан фойдаланиш ўргатилди ва ўқув қўлланмалар яратилиб Зум платформасида ўқув машғулотлари ўтказилди. Медекпрес тизимидан фойдаланишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар раҳбариятга тақдим қилинди.

**ДТСЖ Хоразм вилояти худудий**

**бўлинмаси бошлиғи в.б**

**Б.Бобоҷонов**